

ТРАНСПОРТ

Юк ташиш. 2019 йил январь-март ойларида барча транспорт турлари томонидан 11,3 млн.тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,1 фоизни ташкил қилди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 345,8 млн.тн.км.ни ва ўтган йилга шу даврига нисбатан 100,3 фоизни ташкил қилди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати:

	<i>2019 йил январь-март</i>	<i>2018 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ташилган юк, млн. тн	11,3	100,1
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	11,3	100,1
Юк айланмаси, млн. тн-км	345,8	100,3
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	345,8	100,3

Хусусий юк ташувчилар юк айланмаси 2018 йил январь-мартга нисбатан 3,3 фоизга кўпайди ва 237,7 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 68,7 фоизни ташкил этди (2018 йил январь-мартда 66,7 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2019 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 68,1 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,6 фоизни ташкил этди. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 100,8 фоизга тенг бўлиб, 2216,2 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати:

	2019 йил январь-март	2018 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, киши <i>млн.</i>	68,1	101,6
<i>шу жумладан:</i> автомобил транспортида	68,1	101,6
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	2216,2	100,8
<i>шу жумладан:</i> автомобил транспортида	2216,2	100,8

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2018 йил январь-мартга нисбатан 1,8 фоизга кўпайди ва 2033,2 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 91,7 фоизни ташкил этди (2018 йил январь-мартда 90,9 фоиз).